

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У Қ М

2023 йил январь ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, суд раиси Г.Негматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Рахимов, судланувчи М.Сардоров ва унинг ҳимоячиси Ургут тумангидаги “Ҳақиқат ҳуқуқ тарафдори” адвокатлик бюроси адвокати А.Ганиев, жабрланувчи А.Турсуноваларнинг иштирокида, Сардоров Муслимбек Халит ўғлига нисбатан 1-1416-2201/465-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи: Сардоров Муслимбек Халит ўғли (Sardorov Muslimbek Xalit o'g'li) - 1999 йил 27 март куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, бўйдоқ, мавсумий ишчи, муқаддам 2019 йил 28 март куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 06.02.2020 йилда жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди томонидан ўталмай қолган 2 йил 7 ой 6 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ЖКнинг 46-моддасига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган ҳамда 08.01.2021 йилда жиноят ишлари бўйича Сардоба туман суди томонидан ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 8 ой 4 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, “Ўкрач” маҳалласида яшайди, мазкур иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 22 декабрь куни олган, руҳан соғлом,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 2-қисми ва 139-моддаси 3-қисми «г» банди билан айбланган.

Суд, очиқ суд мажлисида судланувчи ва жабрланувчининг кўргазмаларини тинглаб, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, тарафларнинг музокара сўзлари, судланувчининг охирги сўзини эшитиб, қўйидагиларни



А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Сардорев Муслимбек Халит ўғли – 2022 йил октябрь ойининг 15-20 саналари оралиғида интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳисобланган “LIKE” иловаси орқали Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Ҳамид Олимжон маҳалласида яшовчи фуқаро Турсунова Анора Ҳамроқуловна билан танишиб, келгусида у билан жинсий алоқа қилишни режалаштириб, ғаразли ва бошқа паст ниятларда фуқаро А.Турсунованинг фотосуратини ўзининг “REDMI-10” русумли уяли алоқа воситасига кўчириб олишга эришиб, ушбу фотосуратда “МАНА КИТОБЛИК АМ 95 180.39.98” ёзувларини киритиб, мазкур фотосуратда ҳар хил ҳақоратли сўзлар билан ўзининг “@muslimbek 737041” номли akkaунти орқали “LIKE” иловага жойлаштириб, А.Турсуновани шаъни қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаган.

Бундан ташқари, судланувчи М.Сардорев ўзининг жиноят ҳатти-ҳаракатларини давом эттириб, келгусида фуқаро Турсунова Анора Ҳамроқуловнани кўрқитиш йўли орқали у билан жинсий алоқа қилишни режалаштириб, ғаразли ва бошқа паст ниятларда ўзига тегишли бўлган “REDMI-10” русумли уяли алоқа воситасида номаълум аёл кишининг яланғоч танасини кўрсатаётган видеолавҳасини жойлаштириб, ушбу аёлни А.Турсунова деб таништириб, турли хил сўзлар билан уни фоҳишаликда айблаб, интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳисобланган “LIKE” иловасидаги “@muslimbek 737041” номли akkaунти орқали ушбу иловага жойлаштириб, ушбу илова орқали фуқаро А.Турсуновани шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиб, туҳмат қилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Сардорев Муслимбек Халит ўғли ўз кўргазмасида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2022 йил июнь ойларида Қозоғистон Республикасида ишлаб юрган вақтида ўзига тегишли бўлган “REDMI-10” русумли телефонидадаги Қозоғистон Республикасига тегишли телефон рақамига очилган “LIKE” иловасига “Бандит” деб номланган akkaунти орқали Қашқадарё вилояти, Китоб туманида яшовчи Ясина деб таништирган (асл исми Турсунова Анора Ҳамроқуловна) аёл киши билан танишиб қолганлиги, Ясина ўзини тергов бўлимида ишлашлигини, уни гиёҳвандлик воситаси билан ушлашлигини айтганлигини эшитиб, жаҳл устида 2022 йил 15 октябрь кунидан 20 октябрь кунига қадар бўлган вақт оралиғида интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳисобланган “LIKE” иловаси орқали А.Турсунова билан келгусида жинсий алоқа қилишни режалаштириб, ғаразли ва бошқа паст ниятларда А.Турсунованинг фотосуратини ўзининг “REDMI-10” русумли уяли алоқа воситасига кўчириб олишга эришиб, ушбу фотосуратда “МАНА КИТОБЛИК АМ 95 180.39.98” ёзувларини киритиб, мазкур фотосуратда ҳар хил ҳақоратли сўзлар билан ўзининг “@muslimbek 737041” номли akkaунти орқали “LIKE” иловага жойлаштириб, А.Турсуновани таҳқирлаганлиги, шунингдек, А.Турсуновани кўрқитиш йўли орқали у билан жинсий алоқа қилишни режалаштириб, ўзига тегишли бўлган “REDMI-10” русумли уяли алоқа воситасида номаълум аёл кишининг яланғоч танасини кўрсатаётган



видеолавҳасини жойлаштириб, ушбу аёлни А.Турсунова деб таништириб, турли хил сўзлар билан уни фоҳишаликда айблаб, интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳисобланган “LIKE” иловасидаги “@musslimbek 737041” номли akkaунти орқали ушбу иловага жойлаштириб, ушбу илова орқали фуқаро А.Турсуновани шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиб, туҳмат қилганлигини тан олишлигини баён қилиб, муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, аёл киши эканлигини инобатга олган ҳолда қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи М.Сардорев суд мажлисида унга қўйилган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб кўргазма берган бўлса-да, унинг айби судда сўралган жабрланувчининг кўргазмаси ҳамда иш ҳужжатларида мавжуд бўлган инкор этиб бўлмайдиган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган.

Суд мажлисида сўралган жабрланувчи Турсунова Анора Хамрақуловнинг, Қашқадарё вилояти, Китоб тумани “Ҳ.Олимжон” маҳалласида оила аъзолари билан биргаликда яшаб келишлиги, 2022 йил октябрь ойида ўзига тегишли бўлган телефонига ўрнатилган “LIKE” иловасига очилган “Ясина” номли профили орқали муқаддам нотаниш бўлган, ўзини “Муслим” деб таништирган Сардорев Муслимбек билан танишиб қолганлиги, М.Сардорев билан бир неча маротаба телеграмм орқали гаплашган вақтида М.Сардорев у билан қўпол муомалада бўлганлиги сабабли кейинчалик гаплашмасдан қўйганлиги, 2022 йил 15 октябрдан 20 октябрь кунига қадар бўлган вақт оралиғида М.Сардорев билан гаплашган вақтида М.Сардорев унинг фотосурати остига уни шаъни ва қадр-қимматини таҳқирловчи ёзувларни критиқ, ҳақоратли сўзларни жойлаштириб, интернет тармоғига жойлаштирилганлигини, шунингдек уни қўрқитиш йўли орқали у билан жинсий алоқа қилишини айтиб, уяли алоқа воситасида номаълум аёл кишининг яланғоч танасини кўрсатаётган видеолавҳасини жойлаштириб, ушбу аёлни у деб кўрсатиб, турли хил сўзлар билан уни фоҳишаликда айблаб, интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳисобланган “LIKE” иловасидаги “@musslimbek 737041” номли akkaунти орқали ушбу иловага жойлаштириб, уни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиб, туҳмат қилганлигини баён қилиб, судланувчи М.Сардоревга нисбатан даъвоси борлиги, унга қонуний жазо тайинлашни сўрашлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Бундан ташқари, судланувчи М.Сардоревнинг айби дастлабки тергов ҳужжатлари билан, яъни, ариза, тушунтириш хатлари, тақдим қилинган нарсани олиб қўйиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фотожадвал, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор, нарсани олиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фотожадвал, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор, сўроқ баённомалари, жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарорлар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа бир қатор объектив далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 7-сонли Қарорининг 5-бандида «Судларнинг эътибори, ЖПКнинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни



аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак. Суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкин» деб кўрсатилган бўлиб, суд ушбу Пленум қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи М.Сардоронинг содир қилган жиноятига суд жараёнида текширилиб, аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топади.

Суд, судланувчи М.Сардоронинг ҳақорат қилиш, яъни ғаразли ва бошқа паст ниятларда интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш орқали шахснинг шаъни қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш ҳамда ғаразли ва бошқа паст ниятларда интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш орқали била туриб шахсни шарманда қиладиган уйдурмаларни тарқатишда ифодаланган жинойат хатти-ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 2-қисми ва 139-моддаси 3-қисми «г» банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Сардорон Муслимбек Халит ўғлининг жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, унинг муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Сардорон Муслимбек Халит ўғлига жазо тайинлашда унинг содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан биргаликда, унинг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли Қарорининг 26-бандидаги “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади” деган;

-мазкур Пленум Қарорининг 4-бандида “Қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт. Объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга – судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги ҳулқ-атвори, машғулоти, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к.



лар киради” деган ҳамда 5-бандида “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак” деган раҳбарий тушунтиришларга риоя қилган ҳолда, қонунийлик, одиллик, инсонпарварлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига асосланиб, М.Сардоровнинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унга айбли деб топилган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 139-моддаси 3-қисми «г» банди санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси 1-қисмига асосан тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли орқали озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, тайинланган жазони ўташдан бўйин товланишини олдини олиш, жазони ўз вақтида ўташликни таъминлаш мақсадида, шунингдек жиноятни уяли алоқа воситалари орқали содир этганлиги боис, белгиланган муддат ичида ҳар куни муайян муддатга яшаш манзилидан чиқишини чеклаш ҳамда маъмурий ҳудуд ҳисобланган Самарқанд вилояти ҳудудидан чиқиб кетишини, “Интернет” ижтимоий тармоқларидан фойдаланишни тақиқлашни, қўлланилган эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топади.

Суд, жабрланувчи А.Турсуновага етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида фуқаролик тартибида судга муурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона “ДВД” дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни, ашёвий далил бир дона “REDMI-10” русумли уяли алоқа воситасини ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни белгилашни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-455, 457, 460, 463, 465-468, 471-473, 475-моддаларини қўллаб, -

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Сардоров Муслимбек Халит ўғли (Sardorov Muslimbek Xalit o'g'li), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 2-қисми ва 139-моддаси 3-қисми «г» банди билан айбли деб топилсин.

Сардоров Муслимбек Халит ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 2-қисми билан ҳар ойда ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш йўли билан 1 (бир) йилу 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Сардоров Муслимбек Халит ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 139-моддаси 3-қисми «г» банди билан 2 (икки) йилу 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасининг 1-қисмига асосан тайинланган жазоларнинг енгилроғини оғирроғи билан қоплаш йўли орқали



узил-кесил ўташлик учун 2 (икки) йилу 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Сардоров Муслимбек Халит ўғлига яшаш жойи ҳисобланган Ургут тумани, “Ўкрач” маҳалласида жойлашган яшаш уйидан кечқурун соат 22⁰⁰дан эрталаб соат 06⁰⁰га қадар чиқиши чеклансин.

Сардоров Муслимбек Халит ўғлига озодликни чеклаш даврида қуйидаги қўшимча чекловлар ўрнатилсин:

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик,
- Самарқанд вилоят ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;
- Уяли алоқа воситалари ҳамда “Интернет” ижтимоий тармоқларидан фойдаланмасликдан иборат қўшимча чекловлар ўрнатилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш судланувчи Сардоров Муслимбек Халит ўғли яшаш ҳудуди бўйича Ургут туман ИИБ Пробация бўлинмаси бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазо муддати маҳкум жазоларни ижро этиш пробациясида ҳисобга қўйилган кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Сардоров Муслимбек Халит ўғлига нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи А.Турсуновага етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтирилсин.

Ашъвий далил бир дона “REDMI-10” русумли уяли алоқа воситаси ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши, билгиланган муддат ўтганидан сўнг берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилиши тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья:

Г.Негматов

